

Мени Маккадан олиб чиқинглар



16:31 / 18.03.2020 4367

Ҳижрий элик биринчи санада Маймуна бинти Ҳорис онамиз розияллоҳу анҳо Маккаи Мукаррамага зиёратга бордилар. У киши ўша ерда бемор бўлиб қолдилар. Хасталиклари оғирлашганда:

«Мени Маккадан олиб чиқинглар. Мен бу ерда ўлмаслигим керак. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга Маккада ўлмаслигим ҳақида хабар берганлар», дедилар.

Маймуна бинти Ҳорис онамиз розияллоҳу анҳони кўтариб, Мадинаи Мунаввара томон йўл олишди. Улар Маймуна бинти Ҳорис онамиз розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан биринчи бор бирга бўлган Сариф номли жойдаги дарахт остига етганларида у киши жон таслим қилдилар.

Ато ибн Абу Рабоҳ қуйидагиларни айтадилар:

«Маймуна Сарифда вафот этганида Ибн Аббос билан у томон чиқдим. Бас, у:

«Анбарни кўтарганингизда уни силкитманглар, қаттиқ қимирлатманглар», деди».

Маймуна бинти Ҳорис онамиз розияллоҳу анҳонинг жанозаларини Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўқидилар. Қабрга қўйганлардан бири ҳам ўша киши эдилар.

Ибн Саъд ва Ҳакиймнинг айтишларига қараганда, вафот этганларида у зотнинг ёшлари саксон бирда эди.

Аллоҳ таоло Маймуна бинти Ҳорис онамиз розияллоҳу анҳо онамиздан рози бўлсин!

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан